

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 22 (1346) • 2020 йил 2 июнь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Бино сотилганда айланмадан олинadиган солиқ солинадими?

2-бет

Июнь. Солиқ тўловчининг тақвими



3-4-бетлар

Пандемия даври: солиқ имтиёзлари жадвали

5-6-бетлар

Бухгалтерга тавсиялар: фойда солиғи, дивиденд ва фоизлар ҳисоб-китоби ва ҳисоботи

11-13-бетлар

ТМЗни бепул бериш қоидалари: ҳисобварақ-фактура қандай тўлдирилади, ишончнома керакми

14-бет

Божхоначилар – экспортчилар кўмақдоши

15-бет

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланганлик учун СОЛИҚ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2020 йилдаги 310-сон қарори билан қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжат Президентнинг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган.

Ҳужжатда белгиланишича, сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари босқичма-босқич оширилади.

Сув хўжалиги вазирлигига 2020 йил 15 июнгача сувни етказиб бериш бўйича харажатларни инобатга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг янги миқдори юзасидан тақлифларни «2021 йил учун Ўзбекистан Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини шакллантириш учун Молия вазирлигига тақдим этиш топширилди.

Ҳужжат билан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув ресурсларини бошқа-



риш, ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилинган сув ресурсларининг ҳисоботини юритиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда сув хўжалиги объектларида сув ресурслари ҳамда электр энергиясидан фойдаланишни онлайн режимида назорат қилиш имконини берувчи рақамли технологиялар жорий этилади. Ушбу мақсадлар учун Давлат бюджети маблағлари ажратилади, хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари билан биргаликда 2023 йил 1 декабрга қадар сув ис-


теъмолчиларининг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозлашлари керак. Шунингдек улар сувнинг ҳисоб-китобини ўз вақтида юритиш ва сувдан фойдаланишни тартибга солиш учун жавобгар бўладилар.

Тижорат банкларига сув истеъмолчиларига сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш учун кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 23.05.2020 йилдан кучга қирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

## САМАРҚАНД ГИЛОСЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРЛАРИДА



Ёз яқинлашиши билан серхосил турли хил бир-бирдан мазали меваларимиз дастурхонлар кўркини, бозор расталарининг олд қисмини эгаллай бошлайди.

Заҳматқаш дехконларимиз томонидан етиштирилган ушбу меваларимиз нафақат ички бозорларимиз балки ташқи бозорларда ҳам ўз харидорларига эгадир.

Серкўёш ўлкамизда етиштирилган сархил мева-сабзавотларни экспорт қилиш мавсуми аллақачон бошланган. Бирин-кетин пишиб етилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорларига йўл олмоқда.

Айни пайтда гилос экспорти ўзининг қизгин палласида. Жорий йилнинг 27 май ҳолатига кўра, Самарқанд вилоятида жами 102 тонна, қиймати 195 миң АҚШ долларлик гилос экспорт қилинди.

Ушбу мавсумда Россия Федерацияси ва қўшни

Қозоғистон ўзбек гилосининг асосий харидори эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Шунингдек, экспортёрлар томонидан Беларусь, БАА, Польша, Хитой, Жанубий Корея, Туркманистон, Таиланд каби давлатларга ҳам ушбу маҳсулот экспорти йўлга қўйилган.

Айни дамда Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган экспортёрлар томонидан гилос экспорти операциялари давом этмоқда.

*Бунда эса вилоят божхона ходимлари томонидан ҳозирги шароитдаги карантин талабларига риоя этилган ҳолда, товарларни экспортга расмийлаштириш жараёни соддалаштирилган тартибда, тез фурсатларда амалга оширилмоқда.*

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати.



## ДИСТРИБЬЮТОРЛИК ХИЗМАТИ ҲАҚИГА ҚАНДАЙ СОЛИҚ СОЛИНАДИ

**?** Корхона дистрибьюторлик шартномаси асосида хорижий ҳамкор компаниясининг сотилган товарлари учун ҳақ (мукофот, бонус) олади. Мазкур ҳақ чегирма ҳисобланмайди ва сотилаётган товарлар қийматига таъсир қилмайди. Олинган пул маблағлари ҳисобидан корхона субдистрибьюторлик шартномаси асосида мазкур товарларни сотиш режасини бажарганлик учун ҳамкор компаниялар – ЎзР резидентларига худди шундай ҳақ тўлайди. Корхона ва ҳамкорлар – ЎзР резидентлари умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ҳисобланадилар.

Корхона томонидан дистрибьюторлик шартномаси асосида ҳақ олинганда ва тўланганда солиқ қандай тўланади?

– Дистрибьюторлик шартномаси воситачилик шартномаси ҳисобланади. Корхона ҳамкорнинг сотиш режасини бажарганлиги учун, бошқача қилиб айтганда, унинг муайян миқдордаги товарларини сотганлиги учун ҳақ олади.

Бундай шартнома асосида олинган ҳақ (мукофот) корхонада ҳам, корхона мукофот тўлаган унинг ҳамкорлари – ЎзР резидентларида ҳам фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 1-б.).

Агар корхонанинг воситачилик шартномаси бўйича хорижий ҳамкорнинг товарларини сотиш учун субдистрибьюторларни жалб қилса, у ҳолда корхонанинг субдистрибьютор ҳамкорларга мукофот тўлаш учун қилган харажатлари асосланган ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар ҳисобланади (СК 305-м. 2, 4-қ.). Фойда солиғини ҳисоблашда бундай харажатлар солиқ солиш базасидан чегирланади.

Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган айланмадан ҚҚС солиниди (СК 238-м. 1-қ. 1-б.).

Корхонанинг томонидан

олинган мукофотга ҚҚС солинмайди, сабаби хизматларининг олинувчи хорижий ҳамкор – ЎзР резиденти ЎзР худудида жойлашмаган ва ўз фаолиятини олиб бормади. Шу боисдан, мазкур ҳолатда Ўзбекистон корхонанинг хизматларини реализация қилиш жойи ҳисобланмайди (СК 241-м. 1-қ.).

Корхонанинг ҳамкор субдистрибьютор корхоналар – умумбелгиланган солиқларни тўловчи ЎзР резидентлари оладиган ҳақ миқдорига ҚҚС солиниди, сабаби хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланади (СК 241-м. 1-қ.).

Яъни хорижий ҳамкорга тегишли товарларни реализация қилиш бўйича корхонанинг хизматлар кўрсатилганда, субдистрибьюторда солиқ солиш базаси ҚҚСни ўз ичига олувчи ҳақ миқдорига аниқланади (СК 250-м. 1-қ. 1-б.).

Субдистрибьюторлар ҳисоб-варақ-фактуралар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни ҚҚС суммасини ажратган ҳолда тақдим этишлари лозим. Бунда корхонанинг мазкур ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга (СК 266-м. 2-қ.).

**?** Корхона дизель ёқилғисини улгуржи тартибда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига сотади. Якуний истеъмолчиларга сотиш билан шуғулланмаймиз.

Дизель ёқилғисини автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига (якуний истеъмолчиларга эмас) сотишда акциз солиғи тўланадими?

## АЁҚШларга ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ СОТИЛГАНДА АКЦИЗ СОЛИҒИ

– Акциз солиғини ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларни якуний истеъмолчиларга сотувчи корхоналар тўлайди. Акциз солиғи солиш мақсадларида якуний истеъмолчилар дегадда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунади (СК 283-м. 1-қ.).

Дизель ёқилғисини якуний истеъмолчилар бўлмаган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига улгуржи сотишда акциз солиғи тўланмайди. Дизель ёқилғисини реализация қилиш шартномасида, харидор – автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси ёқилғини якуний истеъмолчиларга сотиш учун харид қилаётганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

## АСОСИЙ ВОСИТАНИ СОТИШДАН ДАРОМАДГА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

**?** 2020 йилнинг январь ойида таъсисчиларидан бири жамиятдан чиқиб, асосий воситалар таркибига бўлган бинони қолдиқ қиймати бўйича ўзига олди.

1. Бинони таъсисчига бераётганда корхона унинг қолдиқ қиймати суммасидан айланмадан олинган солиқ тўлаши лозими?  
2. Солиқ солиш мақсадларида Айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китобига реализация қилинган бино қиймати киритиладими?

1 Айланмадан олинган солиқнинг солиқ солиш объекти бўлиб жами даромад ҳисобланади (СК 463-м. 1-қ.). Асосий воситаларни таъсисчига бериш реализация қилиш деб тан олинади. Асосий воситаларни реализация қилишда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад (фойда) жами даромад таркибига киритилади (СК 298-м.).

Асосий восита қолдиқ қиймат бўйича реализация қилинганда, реализация қилинган олинган даромад суммаси 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича мазкур асосий воситани қайта баҳолаш сальдо-сига тенг бўлади, башарти асосий восита илгари қайта баҳоланган бўлса.

Асосий воситаларни реализация қилишдан олинган даромад, солиқ тўловчининг ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича умумий жами даромадларидаги улуши устулик қиладиган фаолият тури учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича солиқ солинади (СК 297-м. 3-қ. 6-б., 468-м. 3-қ.).

2 Айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китобига (9-илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.) сотилаётган асосий воситанинг қолдиқ қиймати эмас, балки уни реализация қилишдан олинган даромад кўрсатилади. Мазкур сумма:

- Айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китобининг 030 ва 040-сатрларига киритилади;
- Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010, 030, 0303-сатрларида акс эттирилади.

Азизахон ТОШХҲЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

### УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** – Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ босқичма-босқич оширилади **1-бет**
- **БОЖЖОНА** – Самарқанд гилослари жаҳон бозорларида – Ислохотлар тадбиркорлар учун ижобий натижа бермоқда
- Эгулик, албатта қайтади!
- Тошкент: экспорт-импорт узлуксиз давом этмоқда
- Давлатга 311 млн сўм зарар етказилишининг олди олинди
- Санамай саккиз дема...
- Ноқонуний тамаки омбори аниқланди
- Курьерлик жўнатмаларидаги кингирликлар **1, 15-16-бетлар**
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

- Дистрибьюторлик хизмати ҳақиқа қандай солиқ солинади
- АЁҚШларга дизель ёқилғисини сотилганда акциз солиғи
- Асосий воситани сотишдан даромадга айланмадан олинган солиқ
- Даврий нашрларга обуна учун харажатлар бўйича ҚҚС
- ҚҚСни ҳар чоракда тўлаш учун айланма
- ТМЗни бепул беришда ҚҚС **2, 14-бетлар**
- **СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР**
- Солиқ тўловчининг таъмини **3-4-бетлар**
- **СОЛИҚ СОЛИШ**
- Хизматларга ҳақ тўлаш – УФни кўпайтириш ҳисобига **4-бет**
- **СОЛИҚ ТўЛОВЧИГА ЁРДАМ**
- Кичик корхоналар учун солиқ имтиёзлари **5-6-бетлар**

- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- **Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**
- «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**
- «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
- «Қишлоқ ҳўжалигида сувдан фойдаланиш самардорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»;

- «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон Фармони);
- «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бўлжотларининг чет эл валютасиданги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида» **7-10-бетлар**
- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
- Карантин шароитида фойда солиғи қандай тўланади
- Солиқ ҳисоботида дивидендлар ва фойзалар қандай акс эттирилади **11-13-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ  
ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 5 ИЮНЬ

2020 йилнинг май ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 390-модда, 2-қисм)

2020 йил май ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 355-модда, 2-қисм, 1-банд)

## 9 ИЮНЬ

2020 йил июнь ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнақ тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни\*

(Солиқ кодекси, 432-модда, 1-қисм)

## 10 ИЮНЬ

мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловларини айланмадан олинган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2020 йил июнь ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида, айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан 2020 йилнинг II чораги учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 417-модда, 6-қисм)

2020 йилнинг май ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 292, 293-моддалар)

2020 йил май ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 133-модда, 12-қисм)

## 14 ИЮНЬ\*\*\*\*

2020 йил май ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

(Низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган)

## 15 ИЮНЬ

2020 йил май ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда, 407-модда, 4 ва 5-қисмлар)

2020 йил май ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади

(Солиқ кодекси, 392-модда, 1 ва 2-қисмлар)

Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси ва «Norma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

## 2020 ЙИЛ ИЮНЬ

Д	С	Ч	П	Ш	Ж	Я
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					



## 20 ИЮНЬ\*\*\*\*

2020 йил май ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*\*

(Солиқ кодекси, 273-модда, 1 ва 2-қисмлар)

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни\*\*:

2020 йил июнь ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида;

2020 йилнинг II чораги учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида.

(Солиқ кодекси, 448-модда, 1, 3 ва 7-қисмлар)

2020 йил май ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади

(Солиқ кодекси, 355-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йил май ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда Ҳисоб-китоб ортиб борувчи якун билан эмас, балки 2020 йил май ойи учун кўрсаткичлар билан тўлдирилади.


(Солиқ кодекси, 273-модда, 1, 2-қисмлар)

2020 йил май ойи учун ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар)

2020 йил май ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фоизлар тўланган кундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(Солиқ кодекси, 345-модда, 5 ва 6-қисмлар)



\*Айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан ер солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

\*\*Қишлоқ хўжалиги қорхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган ЎЗР норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача солиқни тўлайдиган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

\*\*\*Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайдди. Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгида ташкил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайтида беш миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошиб кетиши содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

\*\*\*\*Муддатнинг сўнги куни дам олиши (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.



# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

3-бетда 23 ИЮНЬ

2020 йил июнь ойи учун жами даромади жорий солиқ даврдан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*

(Солиқ кодекси, 340-модда, 2, 7, 8-қисмлар)

**Маълумот учун!** Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонининг 15-бандига мувофиқ фойда солиғини аввалги чорак якуналари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилнинг II чорасидан бошлаб қўтилаётган ҳажмларидан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиши ҳуқуқига эга.

25 ИЮНЬ

2020 йилнинг май ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда таъкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди, АВ рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)

**!** Пандемиянинг бизнесга салбий таъсирларини юмшатиш бўйича сармалари олдини олувчи чоралар кўришига қаратилган Президентнинг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон фармонлари билан айрим тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган тартибда айрим солиқлар бўйича тўлов мuddатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти тақдим этилган.

Президентнинг 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармони билан имтиёз ва преференциялар тақдим этилди:

1) қўйдоғилар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинади:

- кичик тадбиркорлик субъектлари;
- бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

2) кичик тадбиркорлик субъектларига қўйдоғидаги суммаларни ҳисобдан чиқарилади:

Президентнинг 19.03.2020 мартдаги ПФ-5969-сон ва 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон фармонларига асосан фойдасиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари;

2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари.

3) микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундирилаётган божхона божси ва акциз солиғини тўлаш мuddатини 2020 йил 1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи берилди. Кейинчалик кечиктирилган сумма 120 кун мобайнида тенг улушларда тўланади. Бундан божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошираётган субъектлари фойдаланишлари мумкин.

4) 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%гача камайитирилади. Ушбу тартиб қўйдоғидаги корхоналарга татбиқ этилмайди:

- акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар;
- давлат корхоналари;
- устав жамгармасида (устав капиталида) давлат улуши 50% ва ундан юқори бўлган юридик шахслар.

5) микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилади. Солиқ органлари 2020 йил 15 май ҳолатига инкассо топшириқномаларини чақириб олишлари лозим, солиқ тўловчиларга эса ушбу санада солиқ мажбуриятларини бажариши бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилади.



## ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ – УЎНИ КЎПАЙТИРИШ ҲИСОБИГА

**?** Хорижий компания муассиси (бош компания) Сейшел ороллари Республикасида рўйхатдан ўтказилган. 2020 йилда бош компания 100 000 АҚШ долларида бизнес юритиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатган. Шартномада кўрсатилишича, хизматлар кўрсатиш жойи Дубай шаҳри ҳисобланади, у ерда ҳақиқатда хизматлар кўрсатилмоқда. Бош компания хизматлар учун тўловдан воз кечиш, ушбу суммани хорижий компаниянинг (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) устав капиталини кўпайтиришга йўналтирмоқчи. Бу қандай солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин?

– Хорижий компания томонидан ЎзР резиденти бўлган корхонага бизнесни юритиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилганда ҚҚС ва норезидентдан олинган даромад солиғи бўйича солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин. Солиқ солиш мақсадларида хизматлар ҳақиқатда Дубай шаҳрида кўрсатилганлиги аҳамият касб этмайди.

Хорижий компания томонидан маслаҳат хизматлари кўрсатишдан олинган норезидентнинг даромадларига солиқ агентидан (даромадлар тўланган манбада) даромад солиғи солинади (СК 351-м. 2-қ. 17-б.). Солиқ ставкаси – 20% (СК 353-м. 6-б.). Ўзбекистон Республикаси ва Сейшел ороллари Республикаси ўртасида иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузилмаган. Шу боис Сейшелдаги хорижий компания томонидан ушбу хизматларни кўрсатганлик учун солиқ тўлаш ёки солиқ ставкасини пайсатириш ҳолатлари кўриб чиқилмайди. Солиқ даромад тўланганда ушлаб қолинади (СК 351-м. 1-қ.).

Даромад тўлаш деганда, норезидентга бундай тўлов тўланган жойидан қатъи назар, қарздор ва кредитор бир шахс бўлиб чиққанда, хусусан, воз кечиш, ўхшаш бир турдаги талабларни ҳисобга олиш, ҳуқуқдан бошқанинг фойдасига воз кечиш талабини ҳисобга олиш, янги талаб, қарздан воз кечиш, даромадлар тўлаш мажбуриятини бекор қилиш тушунилади.

Норезидент томонидан даромадлар учинчи шахслар, бошқа давлатлардаги ўз бўлинмалари фойдасига ва бошқа мақсадларда тасарруф этилишидан қатъи назар, унинг даромадларига солиқ солинади.

2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хизматларни реализация қилувчи чет эл юридик шахслари ҚҚСни тўловчилар деб эътироф этилади (СК 237-м. 1-қ. 3-б.). Хизматлар харидори бўлган шўба корхонаси республикада рўйхатдан ўтказилганлиги сабабли Ўзбекистон ҳудуди хорижий бош

компанияга хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м. 1, 2-қ.). Улардан хизматларни харид қилган шўба корхонаси ҚҚС бўйича солиқ агентига айланади ва ушбу айланма бўйича ҚҚС тўлаши шарт бўлади (СК 255-м. 2, 6-қ.). Солиқ базаси хизматларни ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда реализация қилишдан олинган даромаднинг суммаси сифатида аниқланади (СК 255-м. 1-қ.). Контрактларнинг шартларига мувофиқ хизматлар хорижий компания томонидан Ўзбекистонда тўланадиган ҚҚСни ҳисобга олмасдан тақдим этилса, ушбу хизматлар қийматидан келиб чиққан ҳолда, ҚҚСни ҳисобга олмасдан аниқланади. Бундай ҳолда солиқ агенти сифатида шўба корхонаси тегишли солиқ суммасини мустақил тарзда ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга ўтказиши шарт (СК 255-м. 7-б.). СКнинг 37-моддасига мувофиқ ҚҚС тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Кейинчалик хорижий бош компания шўба корхонадан кўрсатилган хизматлар қийматини тўлашни талаб қилмайди, балки қарз суммасини унинг устав капиталини кўпайтиришга йўналтиради. Бунинг учун шартномага қўшимча битим тузилади.

**Қарз суммасининг шўба корхона устав фондини кўпайтиришга йўналтирилиши солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди.**

Мақсуд ҳолатда кўрсатилган маслаҳат хизматлари учун даромад тўланиши қўшимча битим тузиш орқали амалга оширилади (СК 354-м. 6-қ. 2-б.). Норезидентнинг даромадларидан солиқ кредиторлик қарзи суммасидан ушлаб қолинади ва қўшимча битим тузилган санада МБ томонидан белгиланган хорижий валюта курси бўйича бюджетга тўланади (СК 354-м. 3-қ.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



## КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Давлатимиз томонидан юзага келган мураккаб вазиятда бизнесга турли солиқ енгиликлари таклиф қилинмоқда. Президентимизнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сон Фармони билан солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари Президентнинг куйидаги Фармонларида акс этган:

1) «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон);

2) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон);

3) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон);

4) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъект-

ларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон).

Ушбу ҳужжатлардан қайси бири сиздаги аниқ вазият учун тўғри келади? Куйида таклиф қилинаётган жадвал кичик корхоналарга тақдим этилган солиқ имтиёзларини қўллашда ёрдам беради.

Корхона битта мезон – ходимларнинг ва фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаб бажараётган шахсларнинг ўртача йиллик сони бўйича кичик бизнесга киради. Бу сон ўтган 2019 йил якуналари бўйича аниқланади. Ушбу сонни **Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичида** белгиланган чекланган кўрсаткичлар (ВМнинг 28.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова) билан солиштириш лозим.

Янги тахрирдиги Солиқ кодексига бизнесга солиқ солиш унинг айланмасига боғланган. Шу боис солиқ имтиёзлари ҳам 2 та гуруҳга ажратилган:

Кичик корхоналар	
1 млрд сўмгача айланма билан	1 млрд сўмдан ортиқ айланма билан
<b>Мол-мулк солиғи</b>	
1. Мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинади: ● 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда барча кичик корхоналар (ПФ-5996-сон, 1-б.); ● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар кичик корхоналар – туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).	
2. Ҳисобланган суммалар ҳисобдан чиқарилади: ● ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон фармонларга асосан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи суммалари; ● 2020 йил 15 май ҳолатига мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари (ПФ-5996-сон, 2-б.).	
3. 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, янаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан мол-мулк солиғи оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, оширилган ставкаларини қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).	
4. Кичик корхоналарга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5969-сон, 7-б.).	
5. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фойздан кўпроққа камайтган кичик корхоналарга солиқ органларини оддий хабардор қилган ҳолда мол-мулк солиғини 2020 йил 31 декабрга қадар кейинчалик 12 ой давомда тенг улушларда тўлаш шарти билан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5978-сон, 6-б.).	
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ 2 йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга (ПФ-5986-сон, 5-б.).	
2020 йилда юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкалари СКнинг 415-моддасида белгиланган.	
<b>Ер солиғи</b>	
1. Ер солиғини тўлашдан озод қилинади: ● 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда барча кичик корхоналар (ПФ-5996-сон, 1-б.); ● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар кичик корхоналар – туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).	
2. Ҳисобланган суммалар ҳисобдан чиқарилади: ● ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон фармонларга асосан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган ер солиғи суммалари; ● 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари (ПФ-5996-сон, 2-б.).	
3. Тўхтатилади: ● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, янаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан ер солиғи оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, оширилган ставкаларини қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш тўхтатилади (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.). ● қарантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган кичик корхоналар томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш (ПФ-5978-сон 15-б. 9-хатбоши).	
4. Кичик корхоналарга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5969-сон, 7-б.).	
5. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фойздан кўпроққа камайтган кичик корхоналарга солиқ органларини оддий хабардор қилган ҳолда ер солиғини 2020 йил 31 декабрга қадар кейинчалик 12 ой давомда тенг улушларда тўлаш шарти билан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5978-сон, 6-б.).	
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ 2 йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга (ПФ-5986-сон, 5-б.).	
2020 йилда юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари СКнинг 429-моддасида белгиланган.	

Кичик корхоналар	
1 млрд сўмгача айланма билан	1 млрд сўмдан ортиқ айланма билан
<b>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ</b>	
1. Қишлоқ хўжалигидаги ерларни сугориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50%га пасайтирилади (ПФ-5969-сон, 5-б. «в» кичик банди).	
2. Кичик корхоналарга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5969-сон, 7-б.).	
3. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фойздан кўпроққа камайтган кичик корхоналарга солиқ органларини оддий хабардор қилган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 2020 йил 31 декабрга қадар кейинчалик 12 ой давомда тенг улушларда тўлаш шарти билан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5978-сон, 6-б.).	
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ 2 йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга (ПФ-5986-сон, 5-б.).	
2020 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонуннинг 11-иловасида белгиланган.	
<b>Ижтимоий солиқ</b>	
1. Ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%гача камайтирилади: ● 2020 йилнинг 1 майидан 1 июлигача бўлган даврда – кичик корхоналарга, бундан акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устам жағғармасида (устам капиталда) давлат улуши 50% ва ундан юқори бўлган юридик шахслар мустасно (ПФ-5996-сон, 4-б.); ● 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар кичик корхоналар – туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар (ПФ-5978-сон 4-б. «а» кичик б.).	
2. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фойздан кўпроққа камайтган кичик корхоналарга солиқ органларини оддий хабардор қилган ҳолда ижтимоий солиқни 2020 йил 31 декабрга қадар кейинчалик 6 ой давомда тенг улушларда тўлаш шарти билан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5978-сон, 6-б.).	
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ 2 йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга (ПФ-5986-сон, 5-б.).	
<b>Айланмадан олинadиган солиқ</b>	
1. 2020 йил якунига қадар қарз берувчига фозис шаклида даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (молиявий кўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш тақдим этилган даромад солиққа тортилмайди (ПФ-5978-сон 15-б. 8-хатбоши).	
2. 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига ва уларнинг бўлиналарига, шунингдек, ҳокимликлар томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз берилadиган товарлар (хизматлар) солиқ солиш объектига киритилмайди (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).	



5-бетда КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ



**Кичик корхоналар**  
1 млрд сўмгача айланма билан | 1 млрд сўмдан ортиқ айланма билан

3. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидagi ўртacha ойлик миқдорига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган кичик корхоналарга солиқ органларини оидий хабардор қилган ҳолда мол-мулк солигини 2020 йил 31 декабрга қадар кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан фозсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5978-сон, 6-б.).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ 2 йилдан оширмасдан белгиланган ҳуқуқига эга (ПФ-5986-сон, 5-б.).

**Фойда солиғи**

1. Тўловчилар фойда солигини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича талабларни бекор қилган ҳолда, 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб, кутилатган ҳажмлардан келиб чиқиб солиқ бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон, 15-б. 10-хатбоши).

2. Тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фойзалар суммаси кечиктириш тақдим этилган даврда солиқни ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди (ПФ-5978-сон, 11-б.).

3. 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар солиқни ҳисоблаб чиқаришда:  
• «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига ва уларнинг бўлимларига, шунингдек, ҳокимликлар томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган пул маблағлари, товарлар (хизматлар) чегирилдиган харажатлар сифатида қаралади;  
• лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фойза даромадлари суммаси фойда солигини ҳисоблашда (кечиктириш берилган даврдаги) жами даромад таркибига киритилмайди (ПФ-5986-сон, 1-б. «а», «г» кичик б.).

**Қўшилган қиймат солиғи**

1. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўлланади (ПФ-5978-сон 15-б. 11-хатбоши).

2. 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига ва уларнинг бўлимларига, шунингдек, ҳокимликлар томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз берилдиган товарлар (хизматлар) ҚҚСдан озод этилади (ПФ-5986-сон 1-б. «а» кичик б.).

**Акциз солиғи**

2020 йилнинг охирига қадар қуйидагиларга амалдаги ставкалар сақланиб қолинади:  
• спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғи;  
• бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилинган акциз солиғи (ПФ-5978-сон 7-б.).

Акциз солиғи ставкалари 9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 8-иловада белгиланган.

**Кичик корхоналар**  
1 млрд сўмгача айланма билан | 1 млрд сўмдан ортиқ айланма билан

**Божхона божлари**

1. 2020 йил 31 декабрга қадар 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонга 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солигининг ноль ставкалари белгиланади (ПФ-5978-сон 1-б.).

2. Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатга божхона тўловларидан (божхона божи, акциз солиғи ва ҚҚС) озод этилади (ПФ-5978-сон 16-б.).

3. Коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди (ПФ-5978-сон 16-б.).

4. Кичик корхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда ҚҚСни тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқи берилган (ПФ-5996-сон, 3-б.).

5. Божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солигини тўлаш муддатини 2020 йил 1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан берилган (ПФ-5996-сон, 3-б.).

**Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи**

1. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинadиган даромадлар солиққа тортишдан озод қилинади (ПФ-5969-сон, 6-б.).

2. 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган бегараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар) га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (ПФ-5986-сон, 1-б. «б» кичик б.).

3. 2020 йилда ходимга тўланадиган, ЖШДСга тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси МХЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (ПФ-5986-сон, 2-б.).

**Умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғим**

25%га камайтирилади (ПФ-5969-сон, 5-б. «а» кичик б.).

**Туристтик (меҳмонхона) йиғими**

2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон, 5-б. «а» кичик б.).

**Солиқ маъмуриятчилиғи соҳасида имтиёзлар**

1. 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун кичик корхоналарга жарималар қўллаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон, 8-б.).

2. 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда вақтинча қийинчиликларни бошдан кечириётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланганини тўхтатиб турилади. Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини қўрилмайди (ПФ-5969-сон, 8-б.).

Пеня миқдори СКнинг 110-моддасида белгиланган.

3. 2021 йил 1 январга қадар солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилади, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно (ПФ-5969-сон, 10-б.).

Солиқ аудитидан ўтказиш тартиби СКнинг 140-143-моддаларида белгиланган.

4. Карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (қарантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади (ПФ-5978-сон, 15-б. 6-хатбоши).

5. Кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилиғини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорлиқни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилади. Солиқ органларига 2020 йил 15 май ҳолатига уларнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топириқномаларини чақириб олиш топирилди. Солиқ тўловчиларга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилган тўлов топириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилди (ПФ-5996-сон, 5-б.).

**Изоҳ.**  
Материал эълон қилинган санада базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) – 223 000 сўм, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭКМ) – 679 330 сўм.

Жорилла АБДУЛЛАЕВ, «Norma» МЧЖ етакчи эксперти.



(эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари учун – унинг талони ҳам) ҳамда эгасининг фуқаролик паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилганидан сўнг алмаштирилади);

58<sup>1</sup>-банд чиқариб ташлансин;

59-бандга қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд қўшилсин:

«г) транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари учун автоматотransпорт воситаси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси»;

б) 4-иловада:

49-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин; бешинчи–ўн биринчи хатбошилар тегишинча тўртинчи–ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 5-иловада:

15-банддаги «б ой давомида кенг қамровли апробациядан ўтган» сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин; тўртинчи–ўнинчи хатбошилар тегишинча учинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ  
ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ МАБЛАҒЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ  
ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблагларини самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг чет эл валютасидаги операциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги томонидан газна ижроси йўли билан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги томонидан бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармалари учун чет эл валютасида шахсий газна ҳисобварақлари очилади;

бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан тижорат банкларида чет эл валютасидаги банк ҳисобварақлари очилиши тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилган, шунингдек, давлат сирин бўлган маълумотлар ёки қонун билан кўрикландирилган бошқа сирлар билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари чет эл валютасидаги маблагларининг газна ижроси тартиби тўғрисидаги қуйидагиларни назарда тутувчи низом иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин:

бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги операцияларини газна ижроси орқали амалга ошириш тартибини белгилаш;

бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблагларини самарали бошқариш;

давлат молиясини бошқариш ахборот тизими орқали бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги операциялари бўйича ахборотларни жамлаш, ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблагларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7<sup>1</sup>-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг хорижий валютасига Ягона газна ҳисобварақидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги орқали газначилик хизмати кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади».

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазир Д.А.Кучкаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 23 май  
329-сон.

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 25.05.2020 йилдан қўлغا кирди.  
\*\*Илова берилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

**РЕКЛАМА**

 **«КИЧИК КОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**  
Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз  
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90, E-mail: [office@norma.uz](mailto:office@norma.uz); web: [www.norma.uz](http://www.norma.uz)



# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

– «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» (Кўчирма).

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Давлат ҳуқуқий сибсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Қишлоқ ҳўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон Фармони);

– «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\*

(Кўчирма)\*\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 52-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юришнинг истилган пайтида химоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва химоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз химояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин химоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Химоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Химоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда химоячининг химоя остидаги шахс билан холи учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмайди»;

2) 91-модда:

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт:

- 1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш;
- 2) тинтув;
- 3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 4) тергов эксперименти;

5) шахсни ушлаш;

6) химоячидан воз кечиш;

7) шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш;

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда тўртинчи қисмининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш ушбу Кодексда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади»;

3) 217-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида шахсга нисбатан қўлланилган процессуал мажбурлов чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган, уй қамоғига ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг кўчирма нусхаси ишга илова қилинади»;

4) 224-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органи ҳодими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа:

- 1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига қўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 15.05.2020 йилдан кўча кирди.

\*\*Қонун «СБХ»да кўчирмада чоп этилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.



2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, химоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Ушланётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушланётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув ёки олиб қўйишни амалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳозирлигида тузилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни бажаришни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, уларни видеоёзув орқали қайд этмасдан амалга оширишга йўл қўйилади. Мазкур қонда ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган биносидан амалга оширилмайдиган ушлаб туришга нисбатан таъбиқ этилмайди.

Шахсни ушлаб видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда, ички ишлар органи ҳодими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеоёзудан фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши шарт. Ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намоиш қилиш орқали таништирилади.

Шахсни яланғоч-лаш билан боғлиқ шахсий тинтувни видеоёзув орқали қайд этиш тақиқланади.

Ушлаб туриш, шахсий тинтув қилиш ёки олиб қўйиш баённомасига процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилганлиги ҳақида ёзиб қўйилиб, видеоёзув материаллари баённомага қўшиб қўйилади.

Агар ушланган шахс иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари унга таржи-

мон иштирокида биринчи сўроққа қадар тушунтирилиб, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турилган ёхуд ушлаб вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади»;

5) 225-модданинг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг наъбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши, унда қуйидагиларни кўрсатиши керак:

1) баённома тузилган жой ва вақтни;

2) ушбу шахснинг қимлиги, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатларда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга қўра ушланганлигини;

3) ушланган шахс қандай жиноятни содир этганида гумон қилинаётганлигини;

4) ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга қайси вақтда олиб келинганигини;

5) шахсий тинтув қилиш ва олиб қўйиш натижаларини (улар ўтказилган бўлса);

6) ушланган видеоёзув орқали қайд этилганлиги (у ўтказилган бўлса), ушланган шахснинг видеоёзув материаллари билан танишганлиги, шунингдек шахсни ушлаб вақтида фойдаланилган воситаларнинг техник ҳусусиятларини. Баённомани ушлаб туришнинг асослигини текшириш вазифаси топирилган ички ишлар органи ҳодими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва ҳолислар имзо чекиб, тасдиқлайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга кирди.

*Ўзбекистон Республикасининг Президентини*  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.  
2020 йил 14 май  
УРҚ-617-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ  
ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

Ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан норма ижодкорлиги фАОлиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир ҳил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш борасида адлия органлари ва муассасалари фАОлиятини янада ривожлантириш, шунингдек, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) зиммасига қуйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин:

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийлиқни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш;

барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш ишларини самарали йўлга қўйиш, қабул қилинганга кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш;

фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва ривожлантириш;

қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларга

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.05.2020 йилдан кучга кирди.



Т/р	Тадбир номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро мuddати	Масъул вазирлик ва идоралар
9.	Дарёллар, сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектларида, шунингдек, худудлардаги мавжуд сув ресурслари бўйича кўнлик маълумотларни вазирлик расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш	Маблағ талаб этилмайди	2020 йил 1 июль	Сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
10.	Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари ва сувни ҳисобга олиш воситаларининг (гидропост) намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш	Маблағ талаб этилмайди	2020 йил 1 август	Сув ҳўжалиги вазирлиги, Иригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
11.	Сув омборлари, насос станциялари, иригация тизимлари, сугориш тармоқлари ҳамда сув олиш жойларида сув ресурслари ва электр энергияси ҳисоб-китобини юритиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш	Сув ҳўжалиги тизими ташкилотларига бюджетдан ажратилган маблағлар ва ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари	2020–2025 йиллар жадвал бўйича	Сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚўШИМЧА КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК,  
БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙўҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ Тўғрисида  
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
«ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ  
РИВОЖЛАНТИРИШ Бўйича ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»  
2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон Фармони)\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизimini жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат талабларини соддалаштириш ҳамда ушбу турдаги фаолият билан шуғулланувчи барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат таълим муассасалари ва автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар-

нинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» 2019 йил 9 мартдаги 202-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 22 май  
319-сон.

ЎзР Внинг 2020 йил 22 майдаги 319-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚўШИМЧА**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 21-модда):

3-банддаги «2020» рақами «2021» рақами, «2021» рақами «2022» рақами билан алмаштирилсин;

3<sup>1</sup>-банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги 389-сон қарорига (Ўзбекистон

Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 104-модда) илованинг 1-банди чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 133-модда):

а) 2-иловада:

57-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«57. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси эгасининг белгиланган тартибдаги аризаси, унинг олдинги ҳайдовчилик гувоҳномаси

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.05.2020 йилдан кучга кирди.



қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Маазур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И.Барноев,

Ўзбекистон Республикаси сўв ҳўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Р.Сариев ҳамда вилоятлар ҳўкимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 22 май  
310-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорига  
1-ИПОВА

**Сувдан фойдаланувчилар ва сўв истеъмолчилари томонидан сўв ресурсларини бошқариш,  
ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилинган сўв ресурсининг ҳисоботини юритиш юзасидан  
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

T/р	Тадбир номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
<b>I. Сўв ресурсларини бошқариш, ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни янада такомиллаштириш</b>				
1.	Сувдан фойдаланиш ва сўв истеъмоли бўйича намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва жойларга етказиш	Маблаг талаб этилмайди	2020 йил 15 июль	Сўв ҳўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Сўв олиш жойларини рўйхатга олиш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш		2020 йил 15 июль	
3.	Гидропостларни аттестациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш		2020 йил 15 июль	
<b>II. Сўв ҳўжалиги объектларининг техник ҳўлатини яхшилаш</b>				
4.	Сўв ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ҳисобидаги сўв омборларининг лойиҳавий сўв сизимларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалдаги сизимини рақамли технологиялари ёрдамида қайта аниқлаш	Сўв ҳўжалиги тизими ташкилотларига бюджетдан ажратилган маблағлар, Сўв ҳўжалигини ривожлантириш жамғарма маблағи	2021–2023 йилларда жадвал бўйича	Сўв ҳўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Сўв ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ҳисобидаги сўв омборлари, ирригация тизими каналлари ва бошқа сўв ҳўжалиги объектларидаги сўв олиш жойларини ва улардаги сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларини хатловдан ўтказиш. Сўв истеъмолчилари ҳисобидаги сўғориш тармоқларини, улардаги иншоотлар, шунингдек, фермер ҳўжаликлари, кластерлар ва бошқа сўв истеъмолчиларининг бош сўв олиш жойларини хатловдан ўтказиш. Сўв олиш жойлари, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларининг техник ҳўлати бўйича нўсонлар далолатномаларини расмийлаштириш	Маблаг талаб этилмайди	2020 йил 1 июль 2020 йил 10 июль 2020 йил 20 июль	Сўв ҳўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар Сўв ҳўжалиги вазирлиги, сўв истеъмолчилари уюшмалари
6.	Сўв омборлар, ирригация тизими каналлари ва бошқа сўв ҳўжалиги объектларидаги сўв олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш	Давлат бюджети маблағлари, хорижий инвестициялар ва грантлар	2020–2023 йиллар жадвал бўйича	Сўв ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, «Амударё» ҳавзаси сўв ҳўжалиги бирлашмаси, «Сирдарё» ҳавзаси сўв ҳўжалиги бирлашмаси
7.	Сўв истеъмолчилари уюшмаларининг сўғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш, фермер ҳўжаликлари, кластер ташкилотлари ва бошқа сўв истеъмолчиларининг бош сўв олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш	Сўв истеъмолчилари маблағлари, тижорат банклари кредити, хорижий инвестициялар ва грантлар	2020–2023 йиллар жадвал бўйича	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳўкимликлари, Сўв ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, сўв истеъмолчилари уюшмалари, сўв истеъмолчилари
<b>III. Сувнинг ҳисоб-китобини юритиш тизимини такомиллаштириш</b>				
8.	Сўв ҳўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги барча сўв ҳўжалиги ташкилотларининг диспетчерлик хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Сўв ресурслари ва улардан фойдаланиш юзасидан маълумотлар базасини тўлиқ шакллантириш	Сўв ҳўжалиги тизимидаги ташкилотларга бюджетдан ажратилган маблағлар, Сўв ҳўжалигини ривожлантириш жамғарма маблағи ва ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари	2020–2025 йиллар жадвал бўйича	Сўв ҳўжалиги вазирлиги, «Ўз-гидромет» маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Амударё» ҳавзаси сўв ҳўжалиги бирлашмаси, «Сирдарё» ҳавзаси сўв ҳўжалиги бирлашмаси



етказиш қўламини кенгайтириш, бу борада тармоқ вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илгор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

давлат бошқаруви тизимининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикаси ўрнининг яхшилланишига тўсқинлик қилаётган ҳуқуқий омиллар юзасидан фундаментал ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказилишини таъминлаш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда давлат хизматларини рақамлаштириш орқали «виртуал адлия» тизимини ишга тушириш.

Вазирлик мазкур бандда келтирилган қўшимча вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

#### 2. Куйидагилар:

2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси 1-иловага\*\* мувофиқ;

2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясини 2020–2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\*\* мувофиқ;

2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил этган ҳолда мазкур концепцияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси амалга чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

3. Вазирлик 2020 йил якунига қадар шу жумладан қуйидаги асосий мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришилшини таъминласин:

Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун лойиҳалари сифатида қабул қилиш орқали уларнинг улушини 20 фоизга етказиш;

давлат бошқаруви тизимини функционал таҳлил қилган ҳолда вазирлик ва идораларнинг камида 10 та функцияларини нодавлат секторга ўтказиш бўйича таклиф киритиш;

2018–2019 йилларда янги (қайта) ташкил қилинган 8 та вазирлик ва идоралар фаолиятини ўрганиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиҳона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини;

электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 12 фоизга етказиш;

аҳолига Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган янги хизматлар сонини 15 тага ошириш;

нодавлат нотариат шаклига айлантирилган давлат нотариал идораларнинг улушини 95 фоизга етказиш;

29 та қонуности ҳужжатлари билан белгиланган жавобгарлик ва санкция нормаларини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли қонунларга киритилишини таъминлаш.

4. Вазирлик амалга оширилаётган маъмурий исплохотларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини мониторинг қилиш, ушбу соҳада вазирлик ва идоралар ваколати ва функцияларининг тўлиқ ва сифатли амалга оширилаётганлиги ҳамда белгиланган мақсадларга эришилаётганлигини функционал таҳлил қилиш бўйича ваколатли орган деб ҳисоблансин.

Шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ Вазирлик:

янги (қайта) ташкил қилинган вазирлик ва идоралар, шу жумладан улар таркибидаги алоҳида ташкилотларга (агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқалар) юклатилган вазифа ва функцияларининг самарали амалга оширилаётганлигини улар янги (қайта) ташкил қилинган кундан бошлаб камида 6 ой ўтгандан сўнг ўрганади;

мазкур ўрганишларга тегишли масалага тааллуқлигидан келиб чиқиб, бошқа вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб қилишга ҳақли;

ўрганиш натижалари бўйича асосланган таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади;

маъмурий исплохотлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган янги ташаббусларни кўриб чиқди ҳамда улар юзасидан инobatга олинмиши мажбурий бўлган ҳулосалар беради;

вазирлик ва идоралар, шу жумладан улар таркибидаги алоҳида ташкилотларнинг (агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқалар) вазифа ва функциялари амалга оширилишининг самарадорлиги кўрсаткичларини (индикаторларини) баҳолайди ва натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида муҳокама қилиш учун умумлаштирилган ҳисобот, шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларига (индикаторларига) эришмаган давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклиф киритади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан ташкил қилинган Norma ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирликнинг 2020 йил 1 июлдан бошлаб:

хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солинишини таққиллаш;

жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилувчи ҳуқуқий нормаларнинг факатгина қонунлар билан ўрнатилишини белгиллаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилувчи, ортқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўймаслик;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўймаслик;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни Вазирликда мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий ҳулоса олингандан сўнг ҳисобга олинмиши ва қучга кириш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифларга розилик берилсин.

#### 6. Куйидагилар:

Қонуности ҳужжатларининг ҳуқуқий жавобгарлик ва санкция белгилувчи нормаларини қайта кўриб чиқиш дастури 4-иловага\*\* мувофиқ;

Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қоқори юридик қучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш режаси 5-иловага\*\* мувофиқ;

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар 6-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2020 йил 1 июлдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда концептуал жиҳатдан янги механизм яратишини қуйидагиларни назарда тутувчи «пакет» принципи жорий қилинсин:

\*\*1–7-илвалар берилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида ташишиш мумкин.



янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар янги қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган муддатда ишлаб чиқиладиган ва кучга киряди;

янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этгандан, илгари қабул қилинган қонунларга ўзгариш киритиш янги қонунни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзига амалга оширилади;

вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгаришлар ва қўшимчаларни битта ҳужжат билан киритади;

Вазирликка Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилади, бунда улар айнан бир хил масалада ва техник кўринишда бўлиши лозим.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

қонунчиликни тизимлаштириш ва ортиқча ҳуқуқий тартибга солишни камайтириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилиши (ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги, шунингдек, унификация қилишни назарда tutувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бундан мустасно);

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тарикасида, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб эса тўлиқ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишини янгона электрон тизими орқали амалга оширилади.

9. Вазирлик марказий аппарати тuzилмасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Интеллектуал мулк агентлиги директори лавозимини сақлаган ҳолда адлия вазири ўринбосари – Интеллектуал мулк агентлиги директори лавозими тугатилсин;

б) Тошкент давлат юридик университети ректори лавозимини сақлаган ҳолда адлия вазири ўринбосари – Тошкент давлат юридик университети ректори лавозими тугатилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарлари лавозимлари киритилсин;

г) бошқарув ҳодимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида: Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси;

Маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва мониторингини юритиш бошқармаси ташкил этилсин.

10. Вазирлиқнинг давлат органлари ва ташкилотларига сифатли юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳри ва Қарши туманида эксперимент тарикасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурда давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказларини (кейинги ўринларда – Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари:

бюджетдан молиялаштирилмаган туман (шаҳар) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги мавжуд штат бирикларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

тегишли ташкилотда қонун ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади.

Вазирлик эксперимент натижалари асосида 2021 йил 1 январга қадар ушбу тизимни республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этиш юзасидан асосланган рақамли таклифларни киритсин.

11. Вазирлик ҳузурдаги «Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси, «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти давлат унитар корхонаси ҳамда «Хўқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририятини йиғиштириш йўли билан уларнинг негизда Вазирлик қошида давлат муассасаси шаклидаги «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказ:

аҳоли ва ижрочиларга жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини расмий эълон қилиш соҳасида республиканинг етакчи давлат муассасаси ҳисобланади;

тарихидаги «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти ҳамда «Хўқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририяти амалдаги хизмат кўрсатиш соҳаларини сақлаб қолган ҳолда фаолият юритади ва ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ушбу маблағларнинг етишмаган қисми эса Вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларни қабул қилувчи барча вазирлик ва идоралар уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштириш учун Вазирликка техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатларнинг тақдим этилишини таъминласин.

Вазирлик 2021 йил 1 январга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштириш ишларини тўлиқ аяқунласин ва натижаси ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

13. Вазирлик:

а) 2020 йил 1 июлдан бошлаб идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг бўйруғини қабул қилиш амалиётини бекор қилсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга давлат реестри орқали уникал рақам берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилишини;

б) вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятида қонун ҳужжатлари ва маъмур Фармонда кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борилишини;

в) бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари ва «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳуқумат қарори лойиҳалари киритилишини;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатга:

тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиغان, шу жумладан адлия органларининг бажарилган мажбурий бўлган тақдимидаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлиқни назарда tutувчи ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳуқуматнинг айрим ҳужжатларига 7-иловага\*\* мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Маъмур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЕЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 19 май  
ПФ-5997-сон.



## КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СУВНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони ҳамда «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг суви етказиб бериш бўйича харажатлари сув истеъмолчилари томонидан қоплашни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари миқдорига босқичма-босқич қўшиш орқали амалга ошириш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2020 йил 15 июнгача суви етказиб бериш бўйича харажатларни инобатга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг янги миқдори юзасидан асосланган тақлифларни «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида назарда тутиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритсин.

3. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув ресурсларини бошқариш, ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилиш сув ресурсларининг ҳисоботини юритиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) «Давергеодекадастр» давлат қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда рақамли технологиялари қўлланган ҳолда сув омборларининг фойдали сўғимига даврий равишда аниқлик киритиб бериш чора-тадбирларини тасдиқласин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2 ва 3-иловаларга\*\* мувофиқ сув хўжалиги объектларида сув ресурслари ҳамда электр энергиясидан фойдаланишни «онлайн» режимда назорат қилиш имконини берувчи рақамли технологиялар жорий этилишини таъминласин.

в) Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги:

сув омборлари ва ирригация тизимларидаги сув олиш жойларини суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари (гидропостлар) билан жиҳозлаш;

сув омборлари, ирригация тизимлари ва насос станцияларда рақамли технологияларни жорий қилиш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишни «онлайн» режимда назорат қилиш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетига маблағлари, хорижий инвестициялар, шу жумладан, жалб этиладиган грантлар ҳисобидан молиялаштирилишини ташкил қилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари икки ой мuddатда сув истеъмолчилари уюшмалари сўғирини тармоқларидаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш, фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш мuddатлари ва ушбу тадбирларни молиялаштириш манбалари юзасидан келишилган тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Тижорат банкларига сув истеъмолчиларига сув олиш жойларини суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун зарур миқдорда кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

7. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда сув омборлари ва ирригация тизимларидаги сув олиш жойларини 2022 йил 1 декабрга қадар суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозлаш ҳамда 2023 йил 1 декабрга қадар рақамли технология асосида туманлар чегарасида «онлайн» режимда сув ресурслари ва вазирлик тизимидagi насос станцияларда электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилишни жорий қилишга;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари билан биргаликда 2023 йил 1 декабрга қадар сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозлашни ташкил қилишга;

барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига тўлиқ амал қилишга ҳамда суви ҳисоб-китобини ўз вақтида юритишга маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

8. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сув истеъмолчилари:

белгиланган сув олиш лимитлари ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этиши, суви махсус истеъмол қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши; сув олиш жойларини суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолда сақлаши, улардан фойдаланишининг белгиланган қоидаларига риоя этиши ҳамда суви шартнома асосида истеъмол қилиши зарур;

б) сув истеъмолчилари томонидан олинган сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботи Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

в) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ сув истеъмолчилари лимитдан ортиқча сув олганда, лимитдан ортиқча олинган сув учун, шунингдек, рухсат берувчи ҳужжатларсиз сув ресурсларини истеъмол қилганда, сувдан фойдаланганлик учун солиқ белгиланган ставкага нисбатан беш баробарга оширилган миқдорда ундирилади.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агрисаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси сув олиш жойларини суви бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда суви ҳисоб-китоби юритилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, жойларда мақсадли ўрганишлар ўтказсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим қилиб босин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й, 3-сон, 20 модда) 4-иловага\*\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.05.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*2-4-иловалар берилмайти. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.



## КАРАНТИН ШАРОИТИДА ФОЙДА СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ

Карантин даврида иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармони билан бизнес нуқтаи назаридан жуда мураккаб бўлган шароитда хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Шундай чоралардан бири – қутилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини тўлаш ҳуқуқи. Ушбу тартибнинг муҳим амалий жиҳатларини *buxgalter.uz* илтимосига қўра молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ тушунтирди.

### Бу чора солиқ тўловчиларга қандай афзаллик беради

Солиқ кодексига мувофиқ фойда солиғи тўловчилар бўнақ тўловларини аввалги чорак якунларидан келиб чиқиб тўлайдилар (СК 340-м.).

ПФ-5978-сон Фармон пандемия даврида реализация қилиш ҳажмларининг қисқариши ёки уларнинг тўлиқ мавжуд бўлмаслиги эҳтимолини инобатга олган ҳолда бўнақ тўловларини маълумотнома тақдим этиш йўли билан тузатиш ҳуқуқини тақдим этади.

### МИСОЛ. Бўнақ тўловларини тузатиш.

1 чорак якунлари бўйича корхонанинг солиқ солинадиган фойдаси 500 млн сўмни ташкил этди. Фойда солиғи:  $500 \times 15\% = 75$  млн сўм. Бинобарин, II чоракда ҳар ойда 25 млн сўм ( $75 / 3$ ) миқдорда бўнақ тўловлари тўлаш зарур.

Реализация қилиш ҳажмларининг қутилаётган қисқаришини баҳолаб, корхона II чорак учун 30 млн сўмга бўнақ тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этди. Яъни корхона ҳар ойда 10 млн сўмдан ( $30 / 3$ ) тўлайди.

### Маълумотнома қандай тартибда тақдим этилади?

– Маълумотномани жорий ҳисобот даврининг биринчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай тақдим этиш лозим (МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хати 5-б.), яъни:

- II чорак учун – 2020 йил 20 апрелдан кечиктирмай;
- III чорак учун – 2020 йил 20 июлдан кечиктирмай;
- IV чорак учун – 2020 йил 20 октябрдан кечиктирмай.

Бунда аввалги чорак якунларига асосан бўнақ тўловларини ҳисоблаб чиқариш талаби бекор қилинади.

### Маълумотномани қимлар тақдим этиши керак

Биринчидан, ҳамма корхоналар ҳам бўнақ тўловлари тўловчиси ҳисобланмайди. Уларни фақат тузатишларни ҳисобга олган ҳолда 2019 йил ёки 2020 йилнинг I чораги учун жами даромади 5 млрд сўмдан ошган корхоналар тўлайди (СК 340-м. 2-қ.).

Жами даромади 5 млрд сўмдан ошмайдиган ҳажмага эга корхоналар фойда солиғини чорак якунлари бўйича ҳисоблаш асосида тўлайдилар.

Иккинчидан, фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини тўловчилар учун маълумотномани тақдим этиш – бу мажбурият эмас, балки уларнинг ҳуқуқидир.

Бўнақ тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмаган бўлсангиз, уларни Солиқ кодексига мувофиқ тўлайсиз. Бу ҳолда ҳар ойлик бўнақ тўловларини солиқ органлари ҳисоблаб чиқаради.

Бўнақ тўловларини тўлаш муддатлари (маъ-

лумотнома бўйича ёки аввалги чорак якунлари бўйича) – ҳар бир ойнинг 23-санасидан кечиктирмай.



Қардорликни ундириш чоралари ўзгармади. Агар солиқ тўловчида бўнақ тўловлари бўйича тўланмаган солиқ қарзи мавжуд бўлса, солиқ органи унга солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин 3 кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборади (СК 115-м. 2-қ.).

### Маълумотнома вақтида тақдим этилмаган бўлса

– Бўнақ тўловларини тўловчи корхона 20 апрелга қадар маълумотномани тақдим этмаган бўлса, бунда даромад ва солиқ солинадиган фойда ҳажми қисқарган бўлса, қандай йўл тутиши керак?

– Бу ҳолда сиз I чорак якунлари бўйича бўнақ тўловларини тўлайсиз.

II чорак учун фойда солиғи ҳисоб-китобда солиқ солинадиган фойданинг қамайиши аниқланади. Бўнақ тўловлари суммасининг ҳисобланган солиқдан ошган қисми фойда солиғи ёки бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига биноан унга тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин (СК 103-м.).

Бўнақ тўловлари III чоракда II чорак якунлари бўйича ёки 20 июлдан кечиктирмай тақдим этиладиган маълумотнома асосида аниқланади.

### МИСОЛ. Фойда солиғини маълумотнома тақдим этмасдан тўлаш

2020 йилнинг I чораги учун фойда солиғи – 300 млн сўм, шу боис II чоракда бўнақ тўловлари ҳар ойда 100 млн сўмни ташкил этди. Корхона II чорак учун бўнақ тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмади, шу боис ҳар ойда 100 млн сўмдан тўлади. I ярим йиллик учун фойда солиғи – 480 млн сўм, 600 млн сўм тўланган ( $300 + 100 \times 3$ ). 120 млн сўм миқдордаги ортиқча тўланган фойда солиғи ( $600 - 180$ ) мазкур солиқ бўйича келгуси бўнақ тўловлари ҳисобига ҳисобга олинди. III чоракда фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари қуйидагича аниқланади:

- II чорак якунлари бўйича аниқлашиб,  $(480 - 300) / 3 = 60$  млн сўмга тенг бўлади. Бунда июль ва август ойлари бўйича бўнақ тўловлари тўланган (120 млн сўм миқдорда ортиқча тўланган солиқ). Корхона бўнақ тўловларини фақат 23 сентябрга қадар 60 млн сўм миқдорда амалга ошириши лозим;
- ёки 20 июлга қадар тақдим этилган аванс тўловлари тўғрисидаги маълумотнома асосида.

### «Нолли» маълумотнома

– Бўнақ тўловлари тўғрисидаги «нолли» маълумотномани тақдим этиш мумкинми?



– Мумкин, агар ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойда нолга тенг бўлишига ишончингиз комил бўлса.

Бироқ, солиқ органлари фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б.).

Шу боис сизга тақдим этилган бўнақ тўловлари суммасини қамайтириш ҳуқуқини суиистеъмол қилманг.

### МИСОЛ. Бўнақ тўловлари тўғрисидаги «нолли» маълумотномани тақдим этиш

I чоракда корхона товарларни реализация қилишдан 15 млрд сўм тушумга эга бўлди. 20 апрелга қадар у бўнақ тўловлари тўғрисидаги «нолли» маълумотномани тақдим этди.

Электрон ҳисобварақ-фактураларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, апрель ойи учун айланма 6 млрд сўмни ташкил этди, яъни ой учун ҳисоблаганда тушум ўзгармади. Бундай вазиятда солиқ органлари бўнақ тўловларини қайта ҳисоблашга ҳақли.

### Ўтган йилги зарарни ҳисобга олган ҳолда

– 2019 йил якунлари бўйича зарар кўрилган бўлса, 2020 йилда бўнақ тўловларини тўлаш лозими?

– Ҳа, агар 2019 йилда жами даромад ҳажми 5 млрд сўмдан ошган бўлса, жорий йилда сиз фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини тўловчи ҳисобланасиз.

Бунда I чоракда сиз 2019 йилнинг IV чорагида тўланиши лозим бўлган ҳажмда бўнақ тўловларини тўлашингиз керак. 2019 йилнинг IV чораги якунлари бўйича солиқ мажбуриятлари вужудга келмаса, тегишинча, 2020 йилнинг I чорагида бўнақ тўловлари ҳисоблаб чиқарилмайди.

II чоракдан бошлаб бўнақ тўловлари ёки аввалги чорак якунлари бўйича ёхуд бўнақ тўловлари тўғрисидаги маълумотнома асосида тўланади.

2020 йил фойдасини 2019 йилда кўрилган зарар миқдорига фақат йил якунлари бўйича қамайтиришингиз мумкин (СК 333-м. 3, 6-қ.).


2020 йил учун Фойда солиғи ҳисоб-китобини тайёрлаш чоғида 2019 йилда кўрилган зарарни Ҳисоб-китобга 7-иловада (3-сон илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.) акс эттиринг. Бунда 2020 йил фойдасини фақат 50%га қамайтиришингиз мумкин.

2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда кўчиришингиз мумкин (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонуннинг 6-моддаси).



# СОЛИҚ ХИСОБОТИДА ДИВИДЕНДЛАР ВА ФОИЗЛАР

Дивидендлар ва фоизлар ҳисоб-китоби юридик шахслардан олинанидиган фойда солиғи бўйича ҳисобот таркибига кирилади (3-илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.). Уларни тўлаётган солиқ агенти у қўллаётган солиқ солиш тизимидан қатъи назар ҳисоботни шундай даромад олувчи барча жисмоний ва юридик шахслар бўйича тақдим этади. «Норма» эксперти Дилором САИДОВА ҳисоб-китоб ва унга илованинг ҳар бир сатрини тўлдириш чоғида қайси муҳим жиҳатларни инобатга олиш кераклигини тушунтирди. Ўз маълумотларингизни киритишда эътиборли бўлинг!



Даромад олувчи	Дивидендлар	Фоизлар
Жисмоний шахс – резидент (СК 381-м. 2-қ.)	5%	5%
Жисмоний шахс – норезидент (СК 382-м.)	10%	10%
Юридик шахс – резидент (СК 337-м. 1-қ. 11, 12-б.)	5%	15%*
Юридик шахс – норезидент (СК 353-м.)	10%	10%

\*15% солиқ ставкаси фоизларга даромадни тўлаш манбаида солиқ солиш амалга ошириладиган нотижорат ва бюджет ташкилотлари учун кўрсатилади.

Бошқа юридик шахслар – норезидентлар фоизлар тарзида тўлананидиган даромадларни фойда солиғи ёки айланмадан олинанидиган солиқ ҳисоб-китобида жами даромадга киритадилар.

7. 11-графада солиқ солинмайдиган даромад суммаси кўрсатилади. Бу – имтиёзларингиз суммаси. 12-графада тақлиф этилган рўйхатдан зарур имтиёз турини танланг.

Имтиёзли даромадларга мисоллар:  
 • муайян мақсадларга йўналтириладиган дивидендлар ва фоизлар. Масалан, суғурга мукофотларини ёки таълим олиш учун тўловни тўлашга йўналтирилган даромадлар (СК 378-м. 15, 16-б.);  
 • жисмоний шахслар айрим тоифаларининг МХЭКМнинг 1,41 баравари миқдоридagi даромадлари. Сиз ушбу имтиёзни, агар корхонангиз дивидендлар ва фоизлар олувчиларнинг асосий иш жойи бўлса, даромадларни қисман солиқдан озод қилиш тарзида қўллашингиз мумкин. Ақс ҳолда улар имтиёздан фақат йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни топшириш чоғида фойдаланишлари мумкин бўлади (СК 380-м. 1, 5-қ.);

• солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси (2007 йилги таҳрирдаги СК 179-м. 6-б.). Имтиёз 2020 йил 1 апрелга қадар амал қилади.

Шаблон-файлни тўлдиргач, Ҳисоб-китобга 1 ва 2-иловаларни тўлдиришга ўтинг.

Иловалардаги 7, 8, 9, 10 ва 11-графаларнинг «Аввалиги ҳисобот даври учун жами» сатрига олдинги ҳисобот даври учун тегишли иловалардан жами маълумотларни кўчиринг. Дивидендлар ёки фоизлар ҳисобланган ва тўланган биринчи ой учун иловаларни тўлдирсангиз, биринчи сатрга ноль қўйинг.

Иккинчи «Жорий ҳисобот оyi учун жами» сатрга шаблон-файлдан расшифровкаларнинг якуний маълумотларини олиб ўтинг.

«Йил бошидан бошлаб жами» сатри автоматик тарзда тўлдирилади.

Ҳисоб-китобга 3-илова қандай тўлдирилади

Ушбу илова «каскад» («иккиёқлама») солиқ солишнинг олдини олиш учун тўлдирилади.

**!** Солиқ агентлари дивидендлар ва фоизлардан олинанидиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботини ўзининг солиқ ҳисобига олинган жойидаги солиқ органига дивидендлар ва фоизлар ҳисобланган ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай тақдим этадилар. Масалан, 2020 йил май ойида ҳисобланган дивидендлар бўйича Ҳисоб-китобни 20 июндан кечиктирмай топшириш лозим (СК 345-м. 5, 6-қ.).

Дивидендлар ва фоизлар тарзида тўлананидиган даромадлардан олинанидиган солиқ ҳисоб-китоби шакли [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) порталида фойда солиғи бўйича электрон солиқ ҳисоботлари таркибига жойлашган, шакл коди – 10202\_4.

Мазкур ҳисобот шакли куйидагилардан иборат:  
 • Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинанидиган дивидендлар ва фоизлар тарзида тўлананидиган даромадлардан олинанидиган солиқ ҳисоб-китоби;

• Солиқ агенти томонидан юридик шахсларга тўланган дивиденд ва фоизлар тарзидаги даромад суммаларидан ушлаб қолинган солиқлар тўғрисида маълумот (2-илова);

• Солиқ агенти томонидан жисмоний шахсларга тўланган дивиденд ва фоизлар тарзидаги даромад суммаларидан ушлаб қолинган солиқлар тўғрисида маълумот (2-илова);

• Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида солиқ суммаси ушлаб қолинган дивидендлар тўғрисида маълумот (3-илова).

Ҳисоботни йил бошидан бошлаб ўсиб борувчи якун билан сўмда тўлдириш. Фақат кўк рангдаги катакларни (сатрларни) тўлдириш зарур. Сарик рангдагилари – автоматик тарзда тўлдирилади.

**!** Фақат сизда кўрсаткичлари мавжуд иловаларни тўлдириш (МВ ва ДСКнинг 17.04.2008 йилдаги ЁТ/04-01-32-14/327 ва 16/1-4090-сон хати):  
 • 1-иловани – юридик шахсларга дивидендлар ва (ёки) фоизлар тўланган тақдирда;  
 • 2-иловани – жисмоний шахсларга дивидендлар ва (ёки) фоизлар тўланган тақдирда;  
 • 3-иловани – уларни тўлаш чоғида солиқ ушлаб қолинган дивидендлар олинган тақдирда.

## Ҳисоб-китобга 1 ва 2-иловалар қандай тўлдирилади

1 ва 2-иловаларда дивидендлар ва фоизларни ҳисоблаш ва тўлашни саналари бўйича ҳар бир юридик ва жисмоний шахс кесимида уларнинг СТИРларини кўрсатган ҳолда ақс эттириш лозим. Бунинг учун шаблон-файлни юклаб олинг («Шаблонни юклаш» тугмаси).

**!** Шаблон-файлда маълумотларни фақат ҳисобот оyi учун, яъни ўсиб бормайдиган якун билан кўрсатинг.

1. 2-«Юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг Ф.И.О.)» графасида даромад олувчи юридик шахс ёки жисмоний шахснинг номини, 3-графада эса – унинг СТИРини кўрсатинг.  
 Норезидентларга дивидендлар ва фоизлар тўлаган бўлсангиз, шаблон-файлни куйидагича тўлдириш:

• «Юридик шахснинг номи» графасида – даромад олувчи хорижий компаниянинг номини, шундан кейин вергул ва бўшлиқ («пробел») қолдириб «норезидент» деб кўшимча ёзинг. Масалан, «Altun Tekstil, норезидент»;

• «Жисмоний шахснинг Ф.И.О.» графасида – даромад олган норезидент- жисмоний шахснинг фамилияси ва исминини, шундан кейин вергул ва бўшлиқ қолдириб «норезидент» деб кўшимча ёзинг. Масалан, «Tom Ford, норезидент».

2. 3 ва 4-графаларда ҳисобланган ва тўланган саналар кўрсатилади.

**!** Дивидендлар ва фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш санасини «кк.оо.йййй» форматида киритинг. Масалан 12.04.2020 деб ёзиш керак. «12.04.2020 й.» ёзуви хато саналади, сабаби ортиқча белгиларга эга – «й.».

**!** Дивидендлар ва фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш турли ойлarda амалга оширилса, иккала ой учун ҳам ҳисобот тақдим этинг. Бу ҳар бир даромад олувчи бўйича маълумотлар ўсиб бормайдиган якун билан тақдим этиладиган 1 ва 2-иловаларда ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича барча ахборот ақс эттирилиши учун зарур. Шундан сўнг у Ҳисоб-китобда ўсиб борувчи якун билан ақс эттирилади.

3. 6-графада даромад тури – дивиденд ёки фоизни кўрсатинг.

4. 7 ва 8-графаларда ҳисобланган даромад суммаси ёки тўланган даромад суммаси кўрсатилади.

Фоизли даромад тўғрисидаги ахборот норезидентлар, нотижорат ва бюджет ташкилотлари ҳамда жисмоний шахсларга тўлов чоғида тўлдирилади.

**!** Шаблон-файлларни тўлдирган ҳолда бир хил форматдаги ҳарфлар ва рақамларни қўланг. Агар касрли сонларни киритсангиз, уларни математик яхлитлаш қоидаларига биноан юзгача бўлган улуғгача яхлитланг (вергулдан кейин иккита қўйимат билан). Масалан, 16 666,6666... = 16 666,67 ёки 83 333,3333... = 83 333,33.

**!** Ҳисобланган ва тўланган дивидендлар суммаларини ушлаб қолинган солиқни инобатга олган ҳолда кўрсатинг.

5. 9-графада солиқ солиш базаси кўрсатилади. Дивидендлар бўйича солиқ солиш базасини аниқлаш учун тўланган дивидендлар суммасидан куйидагиларни чегиринг:

• ҳисобга олинанидиган, олинган дивидендлар суммасини;

• имтиёзларни.  
 Фоизлар бўйича солиқ солиш базасини аниқлаш учун тўланган фоизлар суммасидан имтиёзларни чегиринг.

6. 10-графада ушлаб қолинган солиқ суммаси кўрсатилади.

Солиқ суммасини солиқ солиш базасини солиқ ставкасига кўпайтирган ҳолда аниқланг. Дивидендлар ва фоизлар тарзида тўлананидиган даромадлардан олинанидиган солиқ ставкасини олувчиларнинг резидентлигига боғлиқ ҳолда қўланг:



## ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРИЛАДИ

**!** Дивидендларни олиш чоғида солиқ агентидан Солиқ даври учун даромад суммаси ва ушлаб қолingan солиқнинг умумий суммаси тўғрисида маълумотномани олинг (СК 345-м. 7-қ.). Маълумотнома шакли фойда солиғи шакллари таркибида мавжуд.

3-иловани тўлдириш шаблон-файлдан бошланади, уни юклаб олиш зарур.

• 2- «Юридик шахснинг номи» графасида даромад тўлайдиган юридик шахс номини, 3-графада эса унинг СТИРини кўрсатинг.

• 4 ва 5-графаларда корхонангиз томонидан олинган дивидендларнинг ҳисобланган ва тўланган санолирини кўрсатинг.

• Олдинги даврларда солиқ базасидан чегирилмаган дивидендларни олган бўлсангиз, уларни 6-графада кўрсатинг.

• 7-графада дивидендларнинг ҳисобга олинадиган суммаси кўрсатилади. Бу – корхона томонидан ҳисобот ва олдинги ойлarda олинган дивидендлар (6-графа қийматларини инобатга олган ҳолда). Дивидендларни солиқни ҳисобга олган ҳолда акс эттиринг. Улар корхонангиз томонидан ўз таъсисчиларига тўланган дивидендлар суммасидан ошмаслиги керак. Ҳар бир олувчи бўйича ҳисобга олинадиган дивидендлар суммаси қандай аниқланишини қуйида келтирилган ҳисоб-китобни тўлдиришга доир мисолда кўринг.

• 8-графада солиқ агенти томонидан ушлаб қолingan солиқ суммаси кўрсатилади.

• 9-графада ҳисобот (солиқ) даври охирида солиқ базасини қамайтириш (ҳисобга олиш) учун қабул қилинмаган дивидендлар суммаси кўрсатилади. Олинган дивидендлар суммаси тўланган дивидендлар суммасидан ошса, ошган суммани 9-графада кўрсатинг. Ҳисобга олинмаган дивидендларни кейинги даврларда дивидендлар тўлаш чоғида чегириш мумкин.

**!** Шаблон-файлдаги маълумотларни фақат ҳисобот ойи учун, яъни ўсиб бормайдиган яқун билан кўрсатинг.

Дивидендлар суммасини ушлаб қолingan солиқни ҳисобга олган ҳолда кўрсатинг.

Шаблон-файлни тўлдирган, Ҳисоб-китобнинг ўзида 3-иловани тўлдиришга ўтамиз.

«Аваллаги ҳисобот давр(лар)и учун жами» сатрининг 7 ва 8-графаларига олдинги ҳисобот даври учун жами маълумотларни кўчиринг. Агар иловани биринчи ой учун тўлдирсангиз, биринчи сатрда ноли кўйинг.

Иккинчи сатрга «Жорий ҳисобот ойи учун жами» шаблон-файлдаги расшифровкадан жами маълумотларни олиб ўтинг.

Учинчи сатр «Йил бошидан бошлаб жами» автоматик тарзда тўлдирилади.

## Ҳисоб-китобни тўлдираман

Дивидендлар ва фойзалардан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби ҳисобот даври учун бюджетга жисмоний ва юридик шахслар, жумладан норезидентлар бўйича алоҳида тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ суммасини аниқлаш имконини беради. Шаблон-файлдаги расшифровкадан фарқли ўлароқ, Ҳисоб-китоб ўсиб борувчи яқун билан тўлдирилади.

I бўлимда юридик шахсларнинг дивидендлари ва фойзалари бўйича маълумотларни акс эттиринг:

• 010-сатрда – ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган дивидендлар ва фойзалар;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

1-илованинг 7-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 4-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 020, 021 ва 022-сатрларда – ҳисобот (солиқ) даврида резидент ва норезидентларга тўланган дивидендлар ва фойзалар суммасини;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

1-илованинг 8-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 020-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 020-сатри 4-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 030-сатрда ҳисобга олинадиган, олинган дивидендлар суммасини;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

3-илованинг 7-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 030-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 100-сатри 3-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 040, 041, 042-045-сатрларда – имтиёзлар (жами). Имтиёзлар турини рўйхатдан танланг;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

1-илованинг 11-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 040-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 040-сатри 4-графаси
---	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 050, 051 ва 052-сатрларда – имтиёзлар ва олинган дивидендлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ солиш базасини, шу жумладан резидентлар ва норезидентлар бўйича;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

1-илованинг 9-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 050-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 050-сатри 4-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 061 ва 062-сатрларда – резидентлар ва норезидентлар учун солиқ ставкалари;

• 070-сатрда – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини. У солиқ солиш базаси солиқ ставкасига кўпайтирилган ҳолда автоматик тарзда ҳисобланади.

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

1-илованинг 10-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 070-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 070-сатри 4-графаси
---	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

Юридик шахслар учун тўланиши лозим бўлган солиқни тўлашда [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) да солиқ тўловчининг кабинети орқали «35» солиқ кодини танланг.

II бўлимда жисмоний шахсларнинг дивидендлари ва фойзалари бўйича маълумотларни акс эттиринг:

• 080-сатрда – ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган дивидендлар ва фойзалар;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

2-илованинг 7-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 080-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 080-сатри 4-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 090, 091 ва 092-сатрларда – ҳисобот (солиқ) даврида резидент ва норезидентларга тўланган дивидендлар ва фойзалар суммасини;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

2-илованинг 8-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 090-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 090-сатри 4-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 100-сатрда – ҳисобга олинган лозим бўлган олинган дивидендлар суммасини.

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

3-илованинг 7-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 030-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 100-сатри 3-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 110, 111-115-сатрларда – имтиёзлар (жами) ва расшифровка. Имтиёзлар турини рўйхатдан танланг;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

2-илованинг 11-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 110-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 110-сатри 4-графаси
---	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 120, 121 ва 122-сатрларда – имтиёзлар ва олинган дивидендлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ солиш базасини, шу жумладан резидентлар ва норезидентлар бўйича;

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

2-илованинг 9-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 120-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 120-сатри 4-графаси
--	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

• 131 ва 132-сатрларда – резидентлар ва норезидентлар учун солиқ ставкаларини;

• 140-сатрда – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини. У солиқ солиш базаси солиқ ставкасига кўпайтирилган ҳолда автоматик тарзда ҳисобланади.

**!** Кирилган маълумотларни бундай текширинг:

2-илованинг 10-графаси бўйича ўсиб борувчи яқун	=	Ҳисоб-китобнинг 140-сатри 3-графаси	+	Ҳисоб-китобнинг 140-сатри 4-графаси
---	---	-------------------------------------	---	-------------------------------------

Жисмоний шахслар учун тўланиши лозим бўлган солиқни солиқ тўловчининг кабинети орқали ([my.soliq.uz](http://my.soliq.uz)) тўлашда 138 солиқ кодини танланг.

Барча иловалар ҳамда Дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ ҳисоб-китобини тўлдиргандан кейин ҳисоботни:

• дарҳол жўнатишингиз;

• сақлашингиз ва кейинроқ жўнатишингиз мумкин. «Журнал» бўлимида ҳисоботнинг мақомини – у солиқ органлари томонидан қабул қилинган ёки қилинмаганлигини текширишингиз мумкин.

Жўнатиладиган ҳайин у дарҳол «Ишлов беришда» бўлимига ўтказилади. Ишлов бериш ҳисоботни катаклар (сатрлар) тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлиги юзасидан автоматик тарзда текширишни ўз ичига олади.

Хатолар аниқланган тақдирда ҳисобот «Хатолар билан» бўлимига тушади. Агар хатоларга даромадлар олувчилар тўғрисидаги маълумотлар шаблон-файлни тўлдириш чоғида йўл қўйилган бўлса, уни сақланган ҳисоботдан юклаб олинг ва унда кўрсатилган хатоларни тузатинг.

Агар ҳисоботда хато аниқланмаса, у «Жўнатиладиган ҳисоботлар» бўлимига тушади.

Дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ ҳисоб-китобини тўлдирish намунасини [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) сайтидан юклаб олиш мумкин.



## ДАВРИЙ НАШРЛАРГА ОБУНА УЧУН ХАРАЖАТЛАР БЎЙИЧА ҚҚС

**?** Илгари «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма» газеталари обунасига ҚҚС солинмас эди. Корхона абонент асосида обуна қийматини обунанинг тўлиқ даври учун келгуси давр харажатларига олиб бораётган эди. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир обуна ойи учун алоҳида ҳисобварақ-фактуралар ола бошладик. 2020 йилининг 1 апрелидан ойдан бошлаб ҳисобварақ-фактура НДС билан тақдим этилмоқда. Корхона ҚҚС тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Обуна бўйича ойлик харажатларга (ҚҚС билан) қандай бухгалтерия ўтказмалари берилади ва ҚҚС суммасини ҳисобга олиш мумкинми?

– Даврий нашрларга обуна бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинishi мумкин, башарти обуначи корхона ҚҚС тўловчиси бўлса ва унинг солиқ солинадиган айланмалари мавжуд бўлса (СК 266-м. 1-қ.).

Газеталарга обуна харажатлари бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Хўжалик операцияси мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
	Дебет	Кредит
Обуна учун ойлик харажат суммасининг тан олинishi	9430-«Бошқа операция харажатлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Обуна бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»



## ҚҚСНИ ҲАР ЧОРАКДА ТЎЛАШ УЧУН АЙЛАНМА

**?** Яқинда солиқ тўловчиларнинг [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) даги шахсий кабинетларига ҚҚСни ҳар чоракда тўлашга ва ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботларини ҳар чоракда тақдим этишга ўтилиши ҳақида билдириш хати жўнатилди. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойда 1 млрд сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисобварақ-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчиларга 2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача бўлган даврда ҚҚСни ҳар чораклик асосда ҳисоблаш ва тўлашни қўллаш учун бир ойдаги айланма ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ёки ҚҚСсиз 1 млрд сўмдан ошмаслиги лозим?

– 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойда 1 млрд сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисобварақ-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчилар ушбу солиқни ҳар чораклик асосда ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «б» кичик банди).

Айланма Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобига (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1-«Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича ай-

ланмалар» иловасининг 3-графаси бўйича 010-«Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари жами ((0101-сатр – 0108-сатр) – 0109-сатр)» сатри ҳамда 020-«Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатиш бўйича айланма» сатри суммаларидан олинади. Ушбу графа суммаси ҚҚСсиз акс эътирилади. Бинобарин, ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «б» кичик бандини қўллаш учун товарларни (хизматларни) ҚҚСсиз реализация қилиш бўйича ҳар ойлик оборотдан келиб чиқиш лозим.

**?** Корхона қолбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Коронавирус пандемияси даврида корхона раҳбариятига ушбу корхоналар жойлашган ҳудуддаги маҳалла кўмиталари вакиллари, шунингдек бошқа маҳалла кўмиталари ва жамғармалари вакиллари кам таъминланган оилаларга молиявий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишни сўраб мурожаат қилишмоқда. Корхонамиз томонидан имконият даражасида пул маблағлари ўтказиш орқали (турли жамғармаларнинг банкдаги ҳисобварақига) ва натура шаклида (сотиб олинган маҳсулотлар ва ўзи ишлаб чиқарган қолбаса маҳсулотларини маҳалла кўмиталарига муҳтож оилаларга бепул бериш учун жўнатишти) ёрдам кўрсатилмоқда.

1. Маҳалла кўмиталари, «Саховат ва кўмак» фонди ва бошқа фондларга бепул берилаётган, олинган ТМЗ ва қолбаса маҳсулотлари бўйича ҚҚС қандай ҳисобланади?

2. Бундай бепул беришда ҳисобварақ-фактура қандай расмийлаштирилади? Маҳалла кўмитасидан ва фондлардан ишончномани талаб қилиш лозимми?

## ТМЗНИ БЕПУЛ БЕРИШДА ҚҚС

1 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига, «Саховат ва кўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз бериладиган (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармоннинг 1-банди «а» кичик банди):

- пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади;
- товарлар (хизматлар) ҚҚСдан озод қилинади ва айланмадан олиннадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди.

Табиатнинг ёки инсон фаолиятининг (шу жумладан интеллектуал фаолиятнинг) қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиш учун мўлжалланган ҳар қандай предме-

ти товар деб эътироф этилади (СК 45-м. 1-қ.).

ТМЗни бепул бериш ҚҚСдан озод этилганлиги сабабли, тегишинча, маҳсулотлар сотиб олинганда, шунингдек бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун харид қилинган хом ашё ва хизматлар бўйича тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди (СК 267-м. 1-қ. 3-б.).

Бирок ушбу имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (маҳалла кўмиталарига) пул маблағлари ва ТМЗ беғараз берилган ҳолларда татбиқ этилмайди. Бундай бериш қуйидаги солиқ оқибатларини келтириб чиқаради:

- бундай харажатлар фойда солиғини ҳисоблашда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 18-б.);
- товарни бепул бериш ҚҚС солинадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади, шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар бундан мустасно (СК 239-м. 1-қ. 2-б.).

Товарларни бепул бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши шартлари СКнинг 239-моддаси 3-қисмида келтирилган.

2 ПФ-5986-сон Фармонга мувофиқ рўйхатга киритилган фондлар ва жисмоний шахсларга товарларни бепул бериш ҚҚСдан озод этилганлиги сабабли уларни беришда ҳисобварақ-фактура ҚҚСсиз ёзиб берилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органларига (маҳалла кўмиталарига) ТМЗларни бепул беришга, агар бундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган бўлса, ҚҚС солинади. Бинобарин, бунда ҳисобварақ-фактуралар ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган ҳолда ёзиб берилиши лозим.

**Қуйидагиларни тавсия этамиз:**

- ТМЗларни жисмоний шахсларга беришда қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштириш лозим, унда жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари, ТМЗ номи, миқдори, суммаси, ҚҚС ставкаси ва суммаси кўрсатилади, агар ҚҚСсиз берилаётган бўлса, бу ҳам кўрсатилиши лозим;
- ТМЗларни юридик шахсларга, шу жумладан фондларга ва маҳалла кўмиталарига беришда уларни олиш учун Товар-моддий қимматликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга (АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ расмийлаштириладиган ишончномалар талаб этилиши лозим.



## ИСЛОҲОТЛАР ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИЖОБИЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Тадбиркорлик субъектларига жорий этилаётган имтиёзлар уларнинг жадал фаолият олиб боришлари учун ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Эътиборлиси ушбу имтиёзлардан корхоналар янги иш ўринларининг яратилиши ҳамда истиқболли режаларни йўлга қўйиш учун унумли фойдаланишмоқда.

Сирдарё вилоятидаги бир кунда 4,2 тонна ип-калава маҳсулотини ишлаб чиқарувчи «BARAKA EKS» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси имтиёз ва енгилликлардан самарали фойдаланаётган корхоналардан биридир. Фаолиятини 2011 йилда 65 нафар иш ўрни билан бошлаган мазкур корхонада бугунги кунда 250 нафардан ортиқ ишчилар меҳнат билан банд бўлишмоқда.



Карантин чекловлари корхона фаолиятига ҳам таъсир этмасдан қўйилади. Лекин Президентимизнинг коронавирус пандемиясининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини пасайтиришга қаратилган фармонлари ҳамда чекловларни босқичма-босқич юмшатиш бўйича ташаббуслари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини янада жонлантирди десак муболаға бўлмайди.

Корхона ўтган 2019 йилда 2,3 млн АҚШ доллари миқдорига, жорий йилнинг 4 ойи давомида 390 минг АҚШ долларига тенг киймагдаги маҳсулотларни Хитой, Туркия ва Россия каби давлатларига экспорт қилди. Ўз навбатида, ислохотларнинг ижобий самараси сифатида корхонанинг 2019 йилдаги соф фойдаси 2,4 млрд сўмни ташкил этганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Шу билан бирга корхона иқтисодчилари бу кўрсаткични бу йилда 3 млрд сўмдан оширишни мақсад қилишган.

– Ўз олдимизга нафақат корхона фойдасини балки юртимиз иқтисоди учун ўз ҳиссамизни қўйишни ҳам мақсад қилганмиз, – дейди корхона раҳбари Хурматилло Мадрахимов. – Давлат бюджетига 2019 йил ва жорий йилнинг бугунги кунига қадар қарийб 922,7 млн сўм солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширганмиз, олган даромадимиз ҳам шунга яраша, бу йил ҳам ишлаб чиқариш суръатларини бир неча баробарга оширишни режа қилганмиз.

Қайд этиб ўтиш керакки, тадбиркорларга ўз ўрнида берилган имтиёз ва енгилликлар, янги корхоналарнинг барпо бўлишига, иш ўринларининг яратилишига, ишлаб чиқариш суръатлари янада жадаллашишига, иқтисодийтимизни ривожланишига хизмат қилади.

Сирдарё вилояти солиқ ва божхона бошқармалари Ахборот хизматлари.

Қалбида эзгулик билан яшайдиган инсон доимо яхшиликлар қилишга интилади. Айниқса, қилаётган хайрли амалларимиз кимнингдир соғлиғини сақлашга, ҳаётини узайтиришга кўмак берса, киши учун бундан ортиқ бахт топилмаса керак. Бугунги пандемия шароитида эса буни янада теран ҳис қилишимиз.

## ЭЗГУЛИК, АЛБАТТА, ҚАЙТАДИ!

Мамлакатимизда эълон қилинган карантин туфайли фуқароларнинг уйдан чиқмаслиги тўғрисидаги тавсиялар бир қатор соҳалар қатори потенциал донорлар ва қон топирувчиларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш, давр талабидан келиб чиқиб, фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун қон захираларини кўпайтириш мақсадида мамлакатимизда «Эзгулик, албатта, қайтади» шиори остида хайрия донорлик акцияси ўтказилмоқда.

Донор сўзи лотинчадан таржима қилганда «тухфа қилмоқ» деган маънони аниқлатади. Чунки донор ўз қонини бериш орқали жамиятдошининг ҳаётини сақлаб қолиши, унга янги ҳаёт тухфа қилиши мумкин. Ҳар қуни минглаб инсонлар донор қонига муҳтож бўлади. Қонни сунъий тарзда ишлаб чиқишнинг имкони бўлмагани сабабли, бегараз қон топириш беморларга ёрдам беришнинг, инсонларга яхшилик қилишнинг ягона манбаидир.

Қонга муҳтож беморларга кўмак бериш мақсадида, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ташаббуси билан «Чукурсой техник идора» темир йўл чегара божхона пости ходимлари кўнгилли равишда қон топиришмоқда.

Эзгуликнинг ёрқин намунаси бўлган бу каби



тадбирлар беморлар дардига шифо топиш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Қон топириш инсоннинг инсонга ҳаётига энг олий даражадаги совғасидир. Ҳаёт ҳаётига энг олий ифодаси ҳам саналади. Шундай экан савоб ишни амалга оширишга кечикмайлик. Умуман олганда, донорлик ҳар қандай инсон қилиши мумкин бўлган оддий, лекин олий қахрамонликдир. Қон донорлиги – жамият саломатлиги учун берилиши мумкин бўлган бегараз ёрдам. Бу яхшилик, албатта, бир қуни қайтади...

## ТОШКЕНТ: ЭКСПОРТ-ИМПОРТ УЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Карантин билан боғлиқ хозирги мураккаб вазиятда юртимизда коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш бўйича Президентимиз раҳбарлигида аниқ дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 7 майдаги «Экспорт фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташкил ҳаражатларининг бир қисми компенсация қилинадиган 68 турдаги маҳсулотлар рўйхати келтирилган бўлиб, транс-

портда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш 2022 йил 1 январгача амал қилади.

Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан экспорт операциялари бўйича олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жорий қилинган барча турдаги мажбурий тўловлар ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлигини текшириш амалиёти 2021 йил 1 январга қадар бекор қилинди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ташки иқтисодий фаолият божхона постларида мавжуд эпидемиологик вазиятда ташки савдо юклари белги-ланган санитария қоидаларига

риоя этган ҳолда, қисқа муддатларда божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказилиб, давлат бюджетига божхона тўловлари ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши таъминланмоқда.

2020 йилнинг бошидан 15 майга қадар бўлган давр мобайнида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ташки иқтисодий фаолият божхона постлари орқали хориждан келтирилган салкам 210 млн АҚШ доллари қийматидаги 398 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари импорт божхона режимига расмийлаштирилди.

Шунингдек, ушбу давр мобайнида хорижий давлатларга 65 млн АҚШ доллари қийматидаги салкам 166 минг тонна товарлар экспорти амалга оширилди.



Шу ўринда ташки иқтисодий фаолият қатнашчилари ўз фаолиятини амалга ошириши жараёнида юзага келаётган, жумладан божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалалар юзасидан Давлат божхона қўмитасининг қисқа 11-08 рақамли «Ишонч телефони»га ёки Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг (71) 120-76-76 телефон рақамига мурожаат этишлари мумкинлигини эслатиб ўтаемиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



**КОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ**

Божхона органлари томонидан мамлакатимиз чегаралари орқали товар-моддий бойликларни яширин йўллар билан олиб ўтиш, божхона тўловларини четлаб ўтишга уриниш, сифати кафолатланмаган маҳсулотларни олиб кириш каби қонунбузарлик ҳолатларига қарши тизимли равишда кураш олиб борилмоқда.

**Давлатга 311 млн сўм зарар етказилишининг олди олинди**

Давлат божхона кўмитаси ва Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари божхона тўловларидан қочиш мақсадида юртимизга олиб кириладиган товар-моддий бойликларнинг божхона расмийлаштирувига тақдим этилган ҳужжатларга маълумотларни нотўғри киритиш билан боғлиқ навбатдаги қонунбузилиш ҳолатларини фош этишди.



Жумладан, «Чукурсой техник идора» темир йўл чегара божхона постида хориждан пойтахтимиздаги МЧЖлардан бирининг номига келтирилган контейнер ўрнатилган тартибда кўздан кеңирилганида контейнердаги юкларнинг кўрик тасвирлари билан унга тегишли ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида тафовут борлиги маълум бўлди.

Ҳужжатларда кўрсатилмаган ҳамда кўрсатилганидан ортиқча умумий қиймати 144,5 млн сўмлик 360 дона шиналар, 200 кг ион алмашинадиган смола ҳамда 456 кг камар қисқичлари каби товарлар борлиги аниқланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қонунбузарлар бу ҳаракати билан салкам 75,7 млн сўм миқдоридagi божхона тўловларини четлаб ўтишга уринишгани маълум бўлди.

Яна бир шунга ўхшаш ҳолатда мазкур бўлим ходимлари томонидан хориждан пойтахтимиздаги қорхона номига келтирилган темир йўл контейнерининг инспекцион кўрик мажмуаси орқали кўздан кеңирилганида, йўл юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча умумий қиймати 448 млн сўмлик 10 минг 400 дона велосипед покришкиси, 1 000 дона арава гилдираклари ҳамда 7 тонна электрод товарлари борлиги маълум бўлди.

Натижада дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, давлат бюджетига 236 млн сўм зарар етказилишининг олди олинди.

**Санамай саккиз дема...**

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида фуқаро А.С. хорижий мамлакатдан олиб келинган умумий қиймати 286,5 млн сўмлик «MERCEDES BENZ ECONIC» чикинди ташишга мўлжалланган юк автотранспорт воситасини божхона тўловларидан бўйин товлан мақсадида эвакуатор

юк автотранспорт воситасига қайта жиҳозлагани аниқланди. Натижада фуқаро А.С. мазкур юк автотранспорт воситасини қалбакилаштириб, салкам 740 млн сўм божхона тўловларини тўлашдан бўйин товланганлиги маълум бўлди. Натижада, ноқонуний йўл билан мўмай даромадга эга бўлиш истагида амалга оширилган ҳаракати ўз вақтида тўхтатиб қолинди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда навбатдаги ноқонуний ҳаракатнинг олди олинди. Соҳа ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро А.У. умумий қиймати 152,2 млн сўмлик «MERCEDES BENZ VIANO» йўловчи ташишга мўлжалланган автотранспорт воситасини ҳужжатларда ҳайдовчи ўриндиғи билан биргаликда ўриндиклар сони 8 та деб нотўғри кўрсатилганлиги аниқланди. Аслида эса ўриндиклар сони 6 та эканлиги тадбир иштирокчилари ҳамда мутахассислар томонидан аниқланди.

Натижада, салкам 522,7 млн сўм божхона тўловларидан имтиёз нотўғри қўлланилганлиги маълум бўлди.

*Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли қарори талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётган тадбиркорлик фаолияти субъектлари 2022 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган.*



**Ноқонуний тамаки омбори аниқланди**

Қуни кеча Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари билан

*Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.*


ҳамкорликда пойтахтимизда ўтказилган тезкор тадбир давомида муқаддам қўшни давлатлардан ноқонуний равишда олиб кирилган тамаки маҳсулотларини яширин сақланаётган омборни фош қилишди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро М.Б.нинг яшаш хонадони ўрнатилган тартибда кўздан кеңирилди. Натижада ушбу шахснинг яшаш хонадонидида умумий қиймати 85 млн сўмлик 7 210 дона қути тамаки маҳсулотлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди.

**Курьерлик жўнатмаларидаги қинғирликлар**

Божхона ходимлари томонидан халқаро курьерлик жўнатмалари орқали «тижорат мақсадлар учун мўлжалланмаган» никоби остида бир хил турдаги товарларни жўнатиш ҳолатлари ўз вақтида фош этилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бош почтамт» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари почта жўнатмалари орқали товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишига доир навбатдаги уринишларни фош этишди.



Жумладан, хориждан фуқаро С.Ш. номига юборилган халқаро курьерлик жўнатмаси божхона назоратидан ўтказилганда, «автомашина хавосини тозаловчи» никоби остида ҳужжатларда кўрсатилмаган 300 дона «E.A MASK ES 020» номли таркибда диоксид хлор моддаси бўлган хавони дезинфекция қилиш воситалари (вирус-блокатор) борлиги аниқланди. Аниқланган товарнинг умумий қиймати 121,6 млн сўмни ташкил этди.

Шунга ўхшаш ҳолатда, пойтахтимиздаги курьерлик ташкилотлардан бири товарларни божхона тўловларидан четлаб ўтишнинг антиқа усулини қўллагани «Бош почтамт» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан фош этилди. Устомонлар салкам бир тонна оғирликдаги «Мебель ва мебель қисмлари» товарини «тижорат мақсадлар учун мўлжалланмаган» никоби остида 37 та почта жўнатмаларига бўлиб олиб кирганлиги маълум бўлди. Аниқланган 37 дона «Мебель ва мебель қисмлари» товарининг умумий қиймати 20 млн сўмни ташкил этди.

Шунингдек, хориждан келган халқаро курьерлик жўнатмаларини божхона назоратидан ўтказиш натижасида, 121 ўриндан иборат жўнатмаларда божхона декларациясида кўрсатилмаган 1 106 дона қийим-кечак ва пойабзаллар борлиги аниқланди.

Шу тариха қонунбузарлар курьерлик жўнатмалари орқали қиймати салкам 110 млн сўмлик товар-моддий бойликларни олиб киришга уринишганлиги маълум бўлди.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.**

<p><b>СОЛИК ва ХАБАРЛАРИ</b> Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Таҳририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терлирди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-615. Адади 645. Газета 2020 йил 1 июни соат 15.30 да топширилди.</p>
---	---	--	---	--